

СУИЦИДАЛ ХУЛҚ АТВОРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР БИЛАН ПСИХОПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Қаршибоева Гулноза Абдуқодировна - катта ўқитувчи

Хабибуллаев Қўлдошбек Маматқул ўғли – талаба

Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация: Мазкур мақолада ўсмирлар билан суицидал хулқ-атворнинг олдини олиш бўйича психопрофилактик чора тадбирлар ва психопрофилактик ишларни қандай ташкил қилиш ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: суицидал хулқ, девиант, педагогик-психологик ҳолат, коррекция, профилактика, оила, маҳалла, ўқув гуруҳи, оммавий ахборот воситалари.

Психологик тадқиқотларда суицидал уринишга айнан қайси нотўғри тарбиявий таъсир ёки девиант хулқ кўринишлари сабаб бўлганлиги тўлиқ аниқланмаган. Шу боис суицидал фаоллик ривожланиш хавфи мавжуд гуруҳларга тааллуқли бўлган педагогик-психологик коррекцион дастурлар комплекси ишлаб чиқилиши зарур. Бу дастурлар ўсмир суицидентларнинг ўз хулқ-атворини назорат қилишга кўмаклашиш, муқобил ижтимоий муҳит билан алоқасини тиклаш ва ривожлантиришнинг педагогик-психологик усул ва воситаларини аниқлашга қаратилган. Олиб бориладиган психопрофилактик тадбирларда ўсмирларни унинг атрофидаги шахсларнинг салбий таъсирларидан сақлаш мақсадида психологик-педагогик ҳамда ижтимоий кўмак беришда қаратилган, яъни: а) оила, маҳалла, ўқув гуруҳи, синф ва педагогик жамоа, оммавий ахборот воситалари; б) ўсмирлар шахслараро муносабатлари асосий қирраларига таъсир қилувчи таълим ва тарбия шароитларини оптималлаштиришдан иборат.

Демак, психопрофилактиканинг асосий мақсади-ўсмирларда суицидал уринишлар содир этилишига олиб келувчи салбий ижтимоий- психологик,

педагогик омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг коррекцион тарбиявий тадбирларини амалга оширишни тақозо этади.

Ўсмирлар суицидал уринишларининг махсус профилактикаси куйидагиларни қамраб олади:

-суицидал муаммолар тўғрисидаги миш-мишларни тарқатиб юбориш;

-ўсмирлар суицидал фаоллигини келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик вазиятларни тадқиқ этиш;

-суицидал хавф даражаси юқори бўлган ўсмирлар билан коррекцион тарбиявий ишларни амалга ошириш, улар билан доимий мулоқот ўрнатиш, муаммоларни ҳамкорликда муҳокама қилиш;

-суицидал фикрларни вужудга келтириш эҳтимоли мавжуд оммавий ахборот воситалари манбаларини таҳрир қилиш:

-миллий урф одатлар, анъаналар, маросимлар қизиқарли, кўнгил очар дастурларнинг суицидал хулқ-атворли ўсмирлар билан ўтказиладиган психопрофилактик тадбирлар режаларига киритилиши, уларнинг атрофидаги инсонлар билан ижтимоий алоқалар ўрнатишлари, суицидал фаолликка олиб келиши мумкин бўлган ижтимоий дезадаптация ҳолатларини бартараф этиш имконини беради.

Ўсмирлар билан олиб бориладиган психопрофилактик ишлар умумий йўналишининг асосий мазмунини жамоада суицидоден шароитининг сақланиб қолиши, суицидал хулқ-атворнинг шаклланишига имкон туғдирувчи педагогик-психологик, ижтимоий ва ижтимоий-психологик шарт-шароитларни заифлаштириш ва бартараф этиш ташкил қилиши лозим. Ўсмир ўз тенгқурлари, жамоа ҳаёти ва фаолиятида фаол иштирок этиб, жамоа манфаатларини кўзлаб яшашга ҳамда ўз хатти-ҳаракатларини ана шу жамоага бўйсундиришга ўрганади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, психопрофилактик тадбирларни амалга ошириш бир қатор омилларга боғлиқ бўлиб, аниқ ечими мавжуд эмас фавқулодда мураккаб вазифа-бу ўсмирларнинг суицидал хавф даражасини аниқлашдир. Мутахассисларнинг фикрича, суицид хавфининг индивидуал-

психологик омилларини қуйидаги хусусиятлар ташкил этади:

-оилавий тарбия шароитлари (илк болаликда отасининг йўқлиги, оилада матриархал услубдаги муносабатлар, ичкиликбоз, руҳий касал аъзолари бор оилада тарбияланганлик, ўсмирга нисбатан ҳаддан зиёд чеклашлар ёки кучли назорат унинг фикри билан ота-онанинг ҳисоблашмаслиги, болаликда бошидан кечирган кучли руҳий зўриқиш: кучли кўрқув, руҳий ёки жисмоний жароҳатлар, ўзгалар томонидан инкор этилиш, яқинлари томонидан ўз жонига суиқасд қилиш содир этилган оилада тарбияланганлик ва ш.к.);

-ўсмирнинг таълим муассаси, оила тарбиявий таъсирларига бефарқ муносабатда бўлиши;

-такрорий суицидал ҳаракатларни содир этиш;

-хулқий оғишлар;

-ижтимоий мавқенинг йўқотилиши, ижтимоий муҳитдан ажралиб қолиш;

-муқаддас севги муносабатларининг узилиши;

-ўсмир қизиқишлари, эҳтиёжлари инобатга олинмаган ҳолда унга нисбатан ўтказилган “босим” (кийинишда, дўст танлашда, мактабдан кейинги таълим муассасани танлашда) тайзик;

-жиноий жазоланадиган ҳаракатларни содир этиш;

-узоқ муддатли соматик касалликлар;

-фаолиятга мослашувдаги қийинчиликлар ва бошқалар.

Ўсмирлар суицидал хулқ-атвори профилактикасининг ниҳоятда муҳим, масъулиятли босқичини суицидентга ёрдам кўрсатиш ташкил этади. Психологик амалиётнинг кўрсатишича, суицидал фикрга эга бўлган ўсмирга ёрдам кўрсатишнинг уч асосий йўли мавжуд:

-ўсмирнинг суицидал хулқ-атворини ўз вақтида диагностика қилиш ва унга мутаносиб психологик коррекциясини амалга ошириш;

-инқироз (депрессия) ҳолатидаги ўсмирни фаол эмоционал кўллаб-қувватлаш;

-салбий вазиятларни енгиллаштириш, юмшатиш мақсадида унинг ижобий йўналишларини рағбатлантириш.

Коррекцион тадбирларни амалга ошириш жараёнидаги тарбиявий аралашувнинг имконияти ёки зарурий диагностик воситалари мавжуд бўлмаган ҳолатларда ўсмирни қийин вазиятлардан чиқиб кетиш йўллари аниқлаш ва инқирозли ҳолатни енгиб ўтишнинг марказида суицидент билан индивидуал профилактик суҳбат туради [67], [88]. У ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, булар қуйидагиларда акс этади:

-ҳеч қачон ўсмирни суҳбатга учинчи шахслар орқали таклиф этиш мумкин эмас, таклиф шахсан билдирилиши лозим (яхшиси у билан тасодифий равишда учрашгандек бўлиб, у билан учрашув учун баҳона ёки қандайдир осон илтимос ёки вазифа билан муурожаат қилиш лозим).

-суҳбат жойини танлашда энг асосийси-беғоналарнинг бўлмаслигига эътиборни қаратиш (суҳбат қанча вақт давом этмасин, уни ҳеч ким бўлмаслиги лозим);

-иложи борича суҳбатни ишдан, ўқишданкейинги вақтда режалаштириш лозим;

-суҳбат жараёнида ҳеч қандай ёзувларни олиб бормаслик, соатга қарамаслик, қандайдир ишларни “йўл-йўлакай” бажармаслик мақсадга мувофиқ бўлиб, ўзингизнинг бутун кўринишингиз билан суицидентга, сиз учун ҳозир ушбу суҳбатдан муҳим ҳеч нарса йўқлигини намоён этиш лозим.

Профилактик суҳбат, одатда ўзига қуйидаги тўрт босқични қамраб олиши лозим:

1.Бошланғич босқич-суҳбатдош билан эмоционал алоқани ўрнатиш. Суҳбатнинг бу босқичида “ўзаро қайғуриш”, “эмпатик тинглаш” каби психологик усулларни қўллаш тавсия этилади. Бу ўринда суицидентни сабр-тоқат, ҳамдардлик билан, танқидсиз, ҳаттоки сиз унинг қайсидир бир фикрига қўшилмасангиз ҳам (яъни ўсмирга сўзини яқунлашга имкон бериш зарур) тинглаш жоиздир. Натижада у томонидан сиз ишончга лойиқ, сезгир инсон сифатида қабул қилинасиз.

2. Иккинчи босқич-асосий:

- инқирозга олиб келган воқеаларнинг кетма-кетлигини аниқлаш;
- вазиятнинг чорасизлиги ҳиссий ҳолатларини бартараф этиш.

Ушбу мақсадда қуйидаги усулларнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ:

- вазиятнинг фавқулоддалигини енгиб ўтиш;
- муваффақиятлар билан қўллаб-қувватлаш ва б.

3. Учинчи босқич-инқирозли вазиятни енгиб ўтиш бўйича фаолиятни ҳамкорликда режалаштириш. Бунда қуйидаги усулларнинг қўлланилиши тавсия этилади:

-“режалаштириш”, яъни суицидентда келажакдаги фаолиятини оғзаки расмийлаштиришга ундаш;

-“танаффус қилиш”-унинг ўз фаолиятини режалаштиришда ташаббус кўрсатишига имконият яратиш учун мақсадга йўналган жимлик (сукунат).

4. Якуний босқич-унинг бош вазифаси фаолият режасини якуний шакллантириш, суицидентни фаол психологик қўллаб-қувватлаш.

Агар ўсмир суҳбат давомида фаол равишда суицидал фикрларни билдирса, қандай қилиб бўлмасин уни қуйидагиларга ишонтириш мақсадга мувофиқ:

-айни вақтда у томонидан бошидан кечирилаётган қийин эмоционал ҳолат вақтинча муваққат ҳисобланишига;

-унинг ҳаёти қариндошлари, яқинлари ва дўстларига кераклиги, ўсмир ҳаётдан кетиши улар учун оғир зарба бўлишига;

-сўзсиз у ўз ҳаётини хоҳлаганича идора қилиш ҳуқуқига эгаллиги, бироқ сўнгги чора сифатида ундан кетишга қарор қилишни маълум бир вақтга орқага суриш ва ҳаммасини хотиржам ўйлаб кўришга ва бошқалар. Айрим ота-оналар, ўқитувчилар суицид мавзуси бўйича суҳбатлар ўтказиш ўсмирларни ўз жонига суиқасд қилиш фикрини уйғотиши мумкин деб ўйлайдилар. Айна вақтда ўсмир билан суицид ҳақида гаплашганда, биз уни ўз жонига суиқасд қилишга ундамаймиз, аксинча ўсмирни қизиқтираётган, лекин сўрашга ботина олмайётган мавзуси бўйича очиқ мулоқотга чақирамиз.

Бундай ўзаро эмоционал яқинлик, профилактик суҳбатлар кўп ҳолларда унинг ўзидаги суицидал фикрларни таҳлил этиш, дўстлари, яқинлари томонидан айтилган ўз жонига суиқасд қилиш ҳақидаги мулоҳазаларига нисбатан бефарқ бўлмаслик ҳиссини шакллантиради. Суҳбат жараёнида айтилган суицид хавфини келтириб чиқарувчи фикрлар кўп ҳолларда ўз аҳамиятини йўқотади.

Профилактик соҳада шуни белгилаш муҳимки, ўз жонига суиқасд қилишга уриниш олдидан (бир неча суткадан то бир неча ойгача) низоли танглик деб номланувчи, комплекс салбий эмоционал туйғулар, ноқулай ташқи таъсирларга таъсирчанликнинг ўсиши, оптимизм даражасининг пасайиши, низоли вазиятларни ҳал этиш йўллари қидириш билан тавсифланувчи давр намоён бўлади. Ўз жонига суиқасд қилиш ҳақида жиддий ўйловчи, қарийб ҳар бир кимса у ёки бу тарзда атрофдагиларига ўз ниятларини тушунишга имкон беради. Ўз жонига суиқасд қилиш тўсатдан, беихтиёр, олдиндан айтиб бўлмайдиган ёки муқаррар ҳолатда юзага келмайди. Улар мослашувни секин-аста ёмонлаштирувчи салбий ҳуққ-атворни жадаллаштирувчи ҳисобланади.

Психопрофилактик тадбирлар биринчи навбатда, ўсмирнинг ижтимоий-психологик муҳитини соғломлаштириш, ота-оналар ва педагогларнинг ўсмирлар суициди муаммоси бўйича психологик саводхонлигини ошириш, оилавий муносабатлардаги бузилишларни коррекциялаш орқали, улар таълим-тарбияси билан шуғулланаётган ўқитувчиларнинг шахсий, профессионал муаммоларга доир масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш, психоэмоционал зўриқишларнинг олдини олишга қаратилган, кўп томонлама махсус ёрдам кўрсатишга йўналтирилади. Ўсмирларга тенгдошлари ва катталар билан муносабатларининг бузилишлари, ўзини паст ва нотўғри баҳолашни коррекциялаш, тажовузкорлик, хавотирланиш синдромини баргараф этишга қаратилган гуруҳий тренинглар ўтказилиши психопрофилактик ишлар самарадорлигини таъминлайди. Ўтказиладиган психопрофилактик тадбирлар индивидуал ва

гурухий аутотренинг дастурлари, аутоген машғулотлари, ўсмирларда дезадаптация ҳолатларини бартараф қилишга қаратилган суггестив дастурлар, негатив ижтимоий кўникмаларни коррекциялаш, суицидал хулқ-атвор кўринишларини профилактика қилиш ишига катта ҳисса қўшишга, ёрдам беради. Психологик амалиётдан шу нарса маълумки, хулқ-атвор бузилишининг генезиси ўсмирларнинг ижтимоий алоқаларини издан чиқиши, яққаланиши, бегоналашув билан чамбарчас боғлиқ ва шу сабабли ҳам психологик-педагогик ёрдамнинг асосий, муҳим вазифаларидан бири саналади. Ушбу четланиш, бегоналашув ҳиссини бартараф этишда, ўсмирни ўзи учун аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатларга жалб қилиш, янги ижобий, турмушдаги тажрибани муваффақиятли ўзлаштириш имконини бериши мумкин. Ушбу жараёни амалга оширилиши ўсмир ҳаёти ва соғлиги учун масъулият ҳиссини тўла қонли даражада ҳис эта олган тақдирдагина самарали бўлади. Суицидал хулқ кўринишлари намоён бўлишини бартараф этишнинг психопрофилактик ишлари тадқиқотимизда олинган маълумотларга кўра, қуйидаги кўринишларда амалга оширишни тавсия этиш мумкин:

1. Инқироз ҳолатидаги ўсмирларни ўз вақтида аниқлаш ва дастлабки профилактика ишларини олиш боришда педагог ва психологлар фаолияти ва уларнинг шахс хусусиятлари муҳимдир. Педагог ўсмирдаги эмоционал зўриқиш, тажоввузкорлик, апатия, депрессия каби ҳолатларнинг илк белгиларини аниқланиши биланоқ мактаб врачлари, ота-оналар, маъмуриятни ушбу ўқувчига ёрдам беришга эътиборини қаратиши, у билан ўзаро эмоционал яқин муносабатлар ўрнатилиши асосида суҳбатлар ўтказиши ва бу суҳбатда унинг ҳолатига психолог, психотерапевт ёки мутахассис ёрдам беришлигини айтиб, зарурий маслаҳатларини беради.

Таълим муассасаларида ўсмирлар билан ўтказиладиган психопрофилактик тадбирларининг асосий мақсади: -уларнинг психик ва психологик саломатлигини мустаҳкамловчи ижобий, педагогик-психологик муҳитни яратишдир. Синф, гуруҳ билан олиб бориладиган тарбиявий

тадбирларда ўсмирлик ёши хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўз жонига суиқасд қилган ўқувчилар оилаларидаги изтироблар ва кечинмаларни, агар ушбу ҳодиса юз бермаганда унинг ўз оиласи, ватани учун яна қанча буюк ишлар қилиши мумкинлиги, ўлим-бу юзага келган муаммонинг ечими бўла олмаслигини етказа олиш муҳимдир.

Ўсмирлар ўртасида ўз жонига суиқасд қилишнинг салбий оқибатлари тўғрисида ташвиқот-тарғибот ишларини амалга ошириш суицидга нисбатан салбий-ижтимоий фикрни шакллантириш суицид психопрофилактикасининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўсмир хулқидаги салбий ўзгаришларни бартараф этишда зарурий ҳолларда эҳтиёткорлик билан ота-оналарнинг психиатр ва психотерапевт маслаҳатини олишдан чўчимаслиги, уларнинг хоҳишига кўра, бу маслаҳатлар аноним тарзда берилиши мумкинлигини, ундаги ижобий ёки салбий ўзгаришлар тўғрисида улар билан ўтказилган суҳбатларни очик таҳлил қилиш мумкинлигини тушунтириш лозим.

Ўсмирлар ўртасида ўз жонига суиқасд қилиш ҳолатлари қайд этилишда оиладаги моддий қийинчиликлар аниқланган ҳолатларда маҳаллий ҳокимият вакиллари, маҳалла, таълим муассасалари ходимлари томонидан моддий ёрдам уюштирилиши мақсадга мувофиқдир. Лекин ушбу ўринда, бундай хайрли ишлар мақтовга лойиқ эканлигини таъкидлаб ўтган ҳолда, муаммонинг ечими бўла олмаслигини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, японларда “Оч инсонга балиқ бергандан кўра, унга балиқ тутишни ўргатиш афзал”, ўзбек халқида “Қўлдан берган билан қуш тўймас” деган мақоллар мавжуд бўлиб, бу тадбирлар туб маънода оиланинг моддий аҳволини ўзгартира олмайди. Кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган ўсмирни танглик ҳолатидан чиқариш учун, унинг оила аъзоларини иш билан банд қилишга кўмаклашиш, болалар боғчалари тўловларини камайтириш, уларни яшаётган ҳудудларида жойлашган коллеж ва лицейларда таълим олишларига ёрдам бериш, ўқишдан бўш вақтларида ишга жойлашиб, оиланинг моддий аҳволини яхшилашга ўз

хиссасини кўшиш масалаларининг ижобий ҳал этилиши-суицид психопрофилактик чора-тадбирларининг энг муҳимидир.

Олиб бориладиган психопрофилактик тадбирлар ўсмир суицидентларда ижтимоий мослашувни юксалтириш, бошқаларга кераклилик ҳиссининг пайдо бўлишига эришиш, истикбол режаларини тузиш, уларга интилиш ҳиссини шакллантириш, низоли вазиятларга нисбатан ўқувчининг муносабатини ўзгартириш, психик жароҳатловчи, психологик зўриқиш ҳолатларини баратараф этиш ва суицидал фаолликни чеклаш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Амбрумова А. Г., Бородин С. В., Михлин А. С. Предупреждение самоубийств. — М., 1980. -105 с.
2. Ефремов В.С. Основы суицидологии. —СПб., 2004.-479 с
3. Каримова В.М.,Акрамова Ф. Психология(уч.пособие)— Ташкент: 2002. — 57с.
4. Маслоу А. Мотивация и личность. /Пер. с англ. - СПб: изд-во Питер, 2008. — 352 с.
5. Мартыненко А. В. Суицид в молодежной среде // Знание. Понимание. Умение. — 2005. — № 1. — С. 139-141.
6. Абдурасулов Р.А., Каршибоева Г.А.Психологик маслахат ўқув-услубий кўлланма. “Баёз” нашриёти. Тошкент – 2017 йил, 161 б.
7. Абдурасулов Р.А., Каршибоева Г.А.Психологик тренинг асослари. Ўқув кўлланма. “Баёз” нашриёти. Тошкент – 2019 йил
8. Каршибоева Г.А. Особенности суицидального поведение в подростковом возрасте. Журнал «Молодой учёный», 2015 йил №7 (1)-87, 663-665 с
9. Каршибоева Г.А. Суицидальное поведение — сложное социальнопсихологическое явление. Международной научной конференции «Психологические науки: теория и практика», Москва, июнь 2015 г. 37-39 ст.
10. Qarshiboyeva, G.Ozligingniangla. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-52.

11. *Каршибаева, Г. А., & Эшмуратов, О. Э.* (2018). Факторы суицидального поведения, влияющие на формирование подросткового поведения. Молодой ученый, (49), 235-237.
12. *Qarshiboyeva, G.* ҲАЁТНИ СЕВИБ ЯШАНГ!. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-48.
13. *Qarshiboyeva, G.* ЯЗЫК И ФОРМИРОВАНИЕ ВЫСШИХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФУНКЦИЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.
14. *Qarshiboyeva, G.* OILADA BOLALARNI XALQ OG 'ZAKI PJODI NA'MUNALARI ASOSIDA TARBIYALASH. Архив Научных Публикаций JSPI.
15. *Qarshiboyeva, G.* ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ. Архив Научных Публикаций JSPI.
16. *Qarshiboyeva, G., & Abdurasulov, R.* Oquvchisportchilarning intilish darajasi. Архив Научных Публикаций JSPI.
17. *Каршибаева, Г. А.* Особенности суицидального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.
18. *Каршибаева, Г. А.* Суицидальное поведение-сложное социально-психологическое явление. In Психологические науки: теория и практика (pp. 37-39).
19. *Каршибаева, Г. А., Абдукадырова, Н. Х.* Психологические особенности педагогических конфликтов. In Психология: традиции и инновации (pp. 65-68).
20. *Каршибаева, Г. А.* Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.
21. *Каршибаева, Г. А.* Теоретическая основа проблемы психологических особенностей подростков с суицидальным поведением. Молодой ученый, (49), 230-233.
22. *Каршибаева, Г. А., Норбекова, Б. Ш., & Туракулов, Л. Т.* Суицид-это не просто способ обратить на себя внимание. European journal of education and applied psychology, (2).

23. *Каршибаева, Г. А.* Самоубийство в ряду других социальных явлений. Молодой ученый, (5), 581-584.
24. *Каршибаева, Г. А., Абдукадырова, Н. Х., &Абдукаримова, Э. И.* Педагогические конфликты-неизбежные спутники школьной жизни. In *Аспекты и тенденции педагогической науки* (pp. 115-117).
25. *Каршибаева, Г. А.* Некоторые факторы преодоления суицидальных действий среди подростков. In *Психология: традиции и инновации* (pp. 68-71).
26. *Karshiboeva, G.* ХАРАКТЕРИСТИКИ МОТИВАЦИОННЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ ПОДРОСТКОВ С СУИЦИДАЛЬНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ. *EurasianUnionScientists*, 1(10 (79)), 48-49.
27. *Karshibayeva, G.* Diagnostics and Preventive Measures against the Suicidal Behavior of Teenagers. *YOUNG SCIENTIST USA.*, 117.
28. *Каршибаева, Г. А., &Шарофиддинов, А.* (2018). Роль пословиц в воспитании детей. Молодой ученый, (49), 275-277.
29. *Каршибоева, Г. А.* СОВРЕМЕННЫЙ АНАЛИЗ СУИЦИДАЛЬНОГО ПОВЕДЕНИЯ (Doctoraldissertation).
30. *Каршибаева, Г. А.,Б. У. Расулов, Д. Р. Расулова, О. Э. Эшмуратов.* Психологическая диагностика личностных и эмоциональных аспектов суицидального поведения подростка : непосредственный // *Образование и воспитание.* — 2018. — № 2 (17).
31. *Qarshiboyeva, G.* (2020). ХАРАКТЕРИСТИКИ МОТИВАЦИОННЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ ПОДРОСТКОВ С СУИЦИДАЛЬНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ. Архив Научных Публикаций JSPI.
32. *Qodirova, M.* (2020). *Voyaga yetmagan o'smirlar xulq atvorini shakllantirishda olib boriladigan ishlar mazmuni.* Архив Научных Публикаций JSPI.
33. *Qodirova, M.* (2020). Особенности периода взросления подростка. Архив Научных Публикаций JSPI.
34. *Qodirova, M.* (2020). *Bolalar idrokini rivojlantirishda mashg'ulotlarning o'rni.* Архив Научных Публикаций JSPI.

35. Qodirova, M. (2020). Psixologiya fanlarini o'qitishda zamonaviy texnologiyalarning o'rni va ahamiyati. Архив Научных Публикаций JSPI.
36. Qodirova, M. (2020). РОЛЬ ЗАНЯТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ СПОСОБНОСТИ РАЗМЫШЛЕНИЯ У ДЕТЕЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.
37. Qodirova, M. (2020). KICHIK MAKTAB YOSHI 0 'QUVCHILARINI HAR TOMONLAMA SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSFSIYATLARI. Архив Научных Публикаций JSPI.
38. Qodirova, M. (2020). Shaxsning ichki konfliktlari va mexanizmlari. Архив Научных Публикаций JSPI.